



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни маъқуллансин.

2. Мазкур Қонунни амалга оширишга доир тадбирлар режаси тасдиқлансин ва Қонун расмий эълон қилингандан кейин ижрога қаратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мазкур Қонунни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси



Т. Нарбаева

Тошкент шаҳри,
2019 йил 14 декабрь,
№ СҚ-559-III.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
2019 йил 14 декабрдаги
СҚ-559-III-сонли Қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш бўйича
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочи	
				Вазирлик ва идоралардан	Вазирлар Маҳкамасидан
I. Амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш					
1.	Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш бўйича қайта кўриб чиқиш.	1.1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш. 1.2. Заруратга кўра, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда келишиш учун манфаатдор вазирлик ва идораларга киритиш. 1.3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Қонун расмий эълон қилингандан сўнг икки ой муддатда	Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги	Юридик таъминлаш бошқармаси ва бошқа таркибий бўлинмалар
2.	Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш.	2.1. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш. 2.2. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этиш.	Қонун расмий эълон қилингандан сўнг уч ой муддатда	Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги	Юридик таъминлаш бошқармаси ва бошқа таркибий бўлинмалар

II. Қонунни ижрочиларга етказиш ва тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказиш

3.	Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.	3.1. Режа-график ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3.2. Режа-графикни амалга ошириш.	Қонун расмий эълон қилингандан сўнг бир ой муддатда Режа-график асосида	Адлия вазирлиги, ЎЗА, МТРК, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги	Юридик таъминлаш бошқармаси ва бошқа таркибий бўлинмалар
4.	ОАВ ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтларида Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритишга қаратилган туркум мақола, кўрсатув, эшиттиришлар бериб бориш.	4.1. Режа-график ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 4.2. Режа-графикни амалга ошириш.	Қонун расмий эълон қилингандан сўнг бир ой муддатда Режа-график асосида	Адлия вазирлиги, ЎЗА, МТРК, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги	Юридик таъминлаш бошқармаси ва бошқа таркибий бўлинмалар